
#Тафсилот: БАҒДОДДА ПИЛЛА ТЕРИЛМОҚДА

Бағдод туманида “Бир боқувчига бир қути” тамойили асосида ипак қурти парваришланган эди. Эртанги, биринчи боқувда 3274 қутидаги ипак қуртидан 196 тонна пилла олишга эришилди ва туман режаси бажарилган.

Кечки, 2-боқувга ҳам астойдил бўлган пиллакорларимиз 250 қутидаги ипак қуртидан 15 тонна пилла териб олшни мақсад қилганлар.

Бугун туман Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Тўлқиной Тожиева, туман “Агропилла” МЧЖ раҳбари Рўзимуҳаммад Пўлатовлар “Самандарак” МФЙ да истиқомат қилувчи Салимжон Олимов хонадонида бўлиб пилла теримчиларига совғалар улашди.

- Куз фаслида ипак қуртини парваришлаш ва кўзланган пиллани териб олиш бу катта иштиёқ талаб этади. Миллатимизга, фитратимизга сингиган қурт боқиш, пилла териш одатларимиз аслида ўзгача қувонч ҳам беради аёл-қизларимизга. Сизлардан миннатдормиз. Хирмонга барака – деди Т.Тожиева.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати (https://t.me/bagdodim_news)
2024-09-27 18:46:14